

Заҳириддин Муҳаммад Бобур  
таваллудининг 510 йиллигига  
бағишланади

# АНДА ЖОНИМ МЕНИНГ

(Шеърлар, дoston ва драмадан парчалар).

«АНДИЖОН»  
нашриёти,  
1993 йил.

## ТАҲРИР КЕНГАШИ:

**О. Холдор**  
**Т. Низом**  
**Р. Раҳмон**  
**Т. Содиқова**  
**Қ. Кенжа**  
**О. Абдурахмо**  
**И. Тулак**  
**Ф. Усмон**

Муҳаррир: **Мухторжон Худоёров.**  
Тузувчи: **Усмонжон Шукуров.**  
Мусаввир: **Ҳ. Худойбердиев.**  
Техник муҳаррир: **С. Тоштанов.**  
Мусаҳҳиҳ: **Ф. Ибайдуллаев.**



**Анда жоним менинг** (Шеърлар, дoston ва драмадан парчалар) — А., «Андижон» нашриёти, 1993 йил.

Азиз китобхон! Қўлингиздаги мажмуа андижонлик адiblарнинг буюк юртдошимиз — шоир ва мутафаккир, атоқли давлат арбоби ва шавкатли ҳарбий саркарда Заҳриддин Мухаммад Бобурга бағишланган асарлари асосида жамланди, ўйлаймизки, ҳамюрт адiblаримизнинг улуг боболарига ушбу қалб эҳтиромини Сизга манзур бўлади.

© «Андижон» нашриёти, 1993.



## Буюк Бобурга эҳтиром

Буюк кишилар ўзи туғилган юртини, миллатини ўз меҳнати, бетакрор ижоди, жасорати билан дунёга таъшилади. Халқни ва юртининг фахрига айланади. Улар ўз номи билан бутун бир халқ, Ватани шарафини мангулик сарифасига муҳрлайди. Жаҳон маданиятининг буюк намояндалари Шекспир, Тагор, Нозим Ҳикмат, Жомий, Шота Руставели, Маҳтумқули, Абай, Пушкин, Чингиз Айтматовлар ўз халқлари тимсолига айланганлиги аён.

Шукрлар бўлсинки, ўзбекда бундай юксак чўққилар оз эмас. Уларнинг бири Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир.

Улуғ бобомиз, буюк шоир ва мутафаккир, зукко олим ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур асрлар она она юрти ва халқни бўйи-бастини бутун дунёга кўз-кўзлаб келмоқда. У зотнинг табаррук номларини жаҳон аҳли бутун Туркистонни, Афғонистонни, Ҳиндистонни, Мустақил Ўзбекистонни билгандек яхши билади.

Бобур замнининг мазкур мамлакатлари, халқлари аро улуғвор дўстлик ва инсонийлик кўприкларини қурган заковатли меъмордир. Биз, андижонликлар ана шундай инсонга ҳамюрт, авлод бўлганлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Уни икки ёшлигида Андижон тахтига ўтирган Заҳриддин Муҳаммад ҳаётнинг мислсиз синовларини бошидан кечирди. У ғалаба нашъасини ҳам тотди,

мағлубият азобини ҳам чекди. Лекин Буюк зот феълидаги бир хусусият биз учун жуда ибратлидир. У ҳам бўлса, Бобур ҳеч қачон эртанги кундан бутунлай умидсизлашмади, эзгулик йўлида курашдан толиқмади.

Бобурнинг кўп умри Афғонистонда, сўнгги ҳаёти Ҳиндистонда кечди. У қирқ етти ёшида вафот этди.

Бобур қаерда бўлмасин, она юртини, Андижонни бир лаҳза ҳам унутмади.

**Не ерда бўлсанг, эй гул,  
андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингга тараҳхум айлагилки,  
Андижонийдур, — деб**

бежиз ёзмаган.

Биз буюк бобомиз билан печоғлик ғурурлансак, ҳиндлар ҳам бобурийлар сулоласи билан беҳад фахрланадилар.

Бобурнинг адабий ва илмий мероси ҳам ҳайратланарлидир. Бу мерос сон жиҳатдангина эмас, балки аввало, қамровининг кенглиги ва салмоғи жиҳатидан ҳам эътиборга моликдир.

Жаҳон ҳамон Бобур меросига катта қизиқиш билан мурожаат қилиб келмоқда. Бир умр жангу жадалда ҳаёт кечирган, от устида осойишталик билмаган шоҳ, саркарда ва шоир истеъдодини ўзида мужассамлаштирган бу улуг инсоннинг «Бобурнома»ни, дилбар ғазаллар, рубоийларни яратгани, имлога, музыкага, ҳарбий илмга онд гўзал асарлар ёзиши ва уларда ҳар бир воқеа-ҳодисага холис, мардона баҳо бериши юксак заковат намунасидир.

Ғазалиёт биллимига бағишланган «Мухтасар», ўзбек алифбоси — «Хатти Бобурий», ўзбек ва ҳинд девонлари, давлатни бошқаришдаги фармонлар, соғинч ва армонга тўла шеърини мактублари, ҳарбий ишларга доҳил асарлари, опаси, опаси, онласи ва фарзандларига, яқинларига, улусга муносабатлари яна қанча-қанча тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Бобурнинг ҳаёти, ижоди ҳали авлодларга кўп дурдоналар бериши табиий. У, энг аввало, буюк сўз санъаткори, мутафаккир шоир, кейин шоҳ ва саркарда эди.

Бобур ўзи ҳукмронлик қилган ўша мамлакатларга, халқларга қанчалик ҳиммат кўрсатган бўлса, ўз

номи ва ижоди билан она юрти ва халқига ҳам шу даражада хизмат қилган қобил ва қомил инсондир.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур юз йиллар, минг йилларда бир содир бўладиган нодр ҳодисадир.

Шоирнинг она юртида унинг ҳаёти, ижодини тўла-роқ, чуқурроқ ўрганиш учун бир қатор ишлар қилинмоқда. Дастлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда вилоят «Китобхон» жамияти ташаббуси билан «Бобур юрган йўллардан» адабий йўналишини белгиланиб, унинг «Андижон — Аҳси — Ленинобод — Андижон» ва «Андижон — Самарқанд — Тошкент — Паркент — Андижон» йўналишлари босиб ўтилди. Шунингдек, «Китобхон» жамиятида ташкил этилган Бобур жамғармаси вилоят жамғармасига айлантирилди. «Бобур юрган йўллардан» халқаро илмий экспедицияси шоир қадами етган бир қанча хорижий мамлакатларни кезиб, хайрли ишларни амалга оширди. «Бобурнома»нинг 460 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Адабий кечалар, бобурхонлик учрашувлари, танловлар, беллашувлар ўтказилди. «Олтин водий» газетаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази вилоят бўлими ташаббуси билан Фарғона водийси бўйлаб этнографик фольклоршунослик экспедицияси тузилди.

Андижон аҳли боболарига ҳурмат рамзи бўлсин деб шахримизнинг шоҳ кўчасини унинг номи билан атади. Андижоннинг марказий майдони, дорилфунуни, маданият ва истироҳат боғи, вилоятдаги жамоа хўжаликлари, мактабларга Бобур номи берилди. Мутафаккир шоир номида олийгоҳларда, ўрта мактабларда стипендиялар, адабиёт ва санъат, қишлоқ хўжалиги ва саноатда мукофотлар таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Холдорнинг «Қарвон кўнги-роғи» дostonида, Исмоил Тўлак Андижонийнинг «Сўнги кеча» драматик дostonида, Тўлаи Низом, Турсунбой Содиқова, Фарид Усмон, Қамчибек Кенжа, Ҳалима Қорабоева, Усмонжон Шукуров, Замира Рўзнева, Қобил Мирзоларнинг шоирга бағишланган шеърини туркумларида, унинг ғазалларига боғланган мухаммасларида, Заҳриддин Муҳиддинов ва Маншон Ҳамидовларнинг «Бобур» драмасида андижонлик муаллиф-

лар Бобур сиймосини гавдалантиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилдилар. Тарих фанлари номзоди Сайфиддин ҳожи Жалиловнинг «Бобур ва Андижон» номли китоби, филология фанлари номзоди Фатҳиддин Исҳоқовнинг шоир ҳаёти ва ижодига доир изланишлари кўпчиликда қизиқинч уйғотди.

Муҳтарам ўқувчилар, қўлингиздаги ушбу баёни Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги тўйига шоир авлодининг дил сўзлари, ҳурмат ва садоқати рамзи, деб қабул этгайсиз.

**Машариф ЮСУПОВ,**  
вилоят ҳокимининг биринчи муовини, Заҳириддин Муҳаммад Бобур юбилейини ўтказиш вилоят комиссиясининг раиси.

## **Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар**

**Тўлан НИЗОМ**

### **БОБУР ТУҒИЛГАН КУН**

Заҳриддин Муҳаммад Бобур туғилган кун...  
Андижонда қор ёгади эртадан то кеч.  
Андижонда қор бўралар тиним билмай ҳеч,  
Андижонда мўрилардан дуд чиқар печ-печ,  
Тўлан Низом, кел, дилдаги тугунларни еч.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур туғилган кун...  
Андижонда шамол турар тонгдан токи шом.  
Андижонда қора бўрон билмайди ором,  
Андижонда қаҳратон қиш ачитар тамом,  
Тўлан Низом, кўнгил гамни сўйлагил оқшом.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур туғилган кун...  
Андижонда қуёш чиқмас, ёнмас ой, юлдуз,  
Андижонда осмон хира бир кеча-кундуз.  
Андижонда дарахтлар муз, ариқларда муз...  
Тўлан Низом, Андижонга келгайми Наврўз?

Заҳриддин Муҳаммад Бобур туғилган кун...  
Андижонда халойиқ зич, кўчалар гавжум.  
Андижонда қор ўйини тўхтамас бир зум,  
Андижонда мард болалар билсайди тўзим,  
Тўлан Низом, юзларингда аччиқ табассум.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур туғилган кун...  
Андижонда туролмади, буюк қисмат бу.  
Андижонда томир отган мангу кўчат бу,  
Андижонда сира ўлмас шонли журъат бу.  
Тўлан Низом, ёдга олгил, яхши фурсат бу.

## БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Қай куни олдинг кўнгилни, улғайди шул замон дардим,  
Лйрилиқ гурзиси тегди, тирқираб сочилди гардим,  
Яна келдим сен дебон, қабул айла, кел, эй мардим,  
Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим.

Бу садоқат кўчасида охир мендан қолсин деб из,  
Чора истаб чошиб кетдим, югурдим ҳар томон ғиз-ғиз.  
Рақибларга бўй бермадим, очмадим сир, чўкмадим тиз,  
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳарғиз,  
Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Мақсадим шул, ҳаёт ичра оврулма, яна маҳкам қол,  
Бирор камлик кўриб, сира мунғайма, эркин, ўктам қол,  
Ҳусн аро ёлғиз ўзинг, ҳей тенги йўқ гўзал, кўркам қол,  
Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,  
Мен арча даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Бир кўрай деб неча бордим бўрон, қор ҳамда ёмғурда,  
Нафрат ила дер халойиқ, — сенки қолдингму озурда?  
Олиб қаърига ғам, қайғу — қилди жисимни

пажмурда,  
Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл тапафурда,  
Ба ҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзини қутқардим.

Эмасмен ҳеч кима сирдош, биров ҳолимни билмайдур,  
Танам куймас олов ичра, қилич бирла чопилмайдур,  
Нишон бўлдум, менга қарши бало оғзи ёпилмайдур,  
Не тоълидур мангаким ахтари бахтим топилмайдур,  
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Фироқингда кишан қўлда, ошинқ киши саросардур,  
Лекин ишқсиз ёруғ олам, билдимки, бир харобадур,  
Тўлан, кўрдинг, ушбу замон ўшал йиғлоқ

«Тановар»дур,  
Улуснинг таъну таърифи менга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзимни чун ёмон-яхшидин ўтқардим.



## БОБУР ТАВАЛЛОСИ

Ишқ аро йўл қани, йўлдош қани?  
Қўлламоққа қўл қани, қўлдош қани?

Дил лиммо-лим сир қани, сирдош қани?  
Бирман деган бир қани, бирдош қани?

Қонга тўлдим, шеър қани, шеърдош қани?  
Қайга бораё, ер қани, ердош қани?

Хунхор қани, зўр қани, зўрдош қани?  
Менки ўлдим, гўр қани, гўрдош қани?

Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани?  
Бошни ёрган ул қани, ул тош қани?

Хокисорман, қон қани, қондош қани?  
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?

БОБУР ҲАҚИДА УЧ ШЕЪР

I. ШОҲ БОБУР ҲАСРАТИ

Танг шоҳликдан кечайин, деди,  
Тор зар тожин ечайин, деди,  
Яланг тупроқ кечайин, деди,  
Ҳовучлаб сув ичайин, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:  
— Шаънингизга ярашмас, шоҳим.

Ёхуд жангин бас қилсам, деди  
Ёхуд юртга от сурсам, деди,  
Майли, гарчанд енгилсам, деди,  
Тупроқ билан тенг бўлсам, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:  
— Шаънингизга ярашмас, шоҳим.

Андижоним имоним, деди,  
Аввал-охир маконим, деди,  
Бир кўрмаклик армоним, деди,  
Олсалар ҳам минг жоним, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:  
— Шаънингизга ярашмас, шоҳим.

Туғилганди шоҳдан шоҳ бўлиб,  
Қон тўкмасдан, бегуноҳ бўлиб,  
Тождан кечиб ва дилхоҳ бўлиб,  
Яшолмасди ҳур, фараҳ бўлиб,  
Енгилишга ҳаққи йўқ эди  
Ва ўлишга ҳаққи йўқ эди.

## II. НЕГА ҚАЙТАРМАДИНГ?

Сўнг бор сенга тушиб Бобурнинг изи,  
Номозин ўқиди қалтираб тизн.  
Ахир қаро эмас, оқ эди юзи,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Ортига қайрилиб хўрсинганмиди,  
Отин ёлин силаб ўй сурганмиди?  
Ё у дил амрига бўйсунганмиди,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Қалбидан отилиб чиққанда нидо,  
Тоғу тош берганди унга акс-садо,  
Анджонга айтган чоғи алвидо,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Ўсмир шоҳ юртидан бўлганда қувғин,  
Қушлар чирқираган, майсалар сўлғин,  
Замин титраб, осмон йиғлаган юм-юм,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Шунчалар кўпмиди унинг гуноҳи,  
Оғаю оллога етмади оҳи,  
Тулпор, қалам бўлди дўсту паноҳи,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

От жиповин маҳкам тутмадинг нега,  
Тилга кириб фарёд этмадинг нега,  
Ғофил бандаларни туртмадинг нега,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Шоир пешин ўпган қутлуғ адирлар,  
Шоирсиз юрт-элни ким ҳам қадрлар,  
Шоирин қувганни билмам на дерлар,  
Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

### III. БОБУР ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Ҳузурнигга келдим, эй улуғ устоз,  
Азиз сиймонингни этгали тавоф.  
Хайрият, ёнимда кўрнимас бугун  
Ёзгувчи — қилмишим гуноҳми, савоб?

Бизга маёқ бўлди шеър, ҳикмат эмас,  
Фақат олға, деган сеҳрли даъват.  
Босган пизмизни қириб-қиртишлаб,  
Кўз юмиб, қайгадир талпиндик фақат.

Шеърингни бегона имлода ўқиб,  
Қалби яро бўлди не-не шоирнинг.  
Сен-чи, туравердинг сирли термулиб  
Бундай балолари кўп деб маҳварнинг.

Қанча узоқлашган сари замон, вақт,  
Юракларга яқин бўлган шоир-ей.  
Қуёш ҳам ёрита олмас дилларга  
Ҳар ғазали чақин бўлган шоирей.

Доно ҳам, сўқир ҳам кўрмоқда бугун  
Сўзлар қатидаги чехрангни равшан.  
Шеърингнинг буюк эзулигига  
Замон шоҳлари ҳам бермоқдадир тан.

Қайдан эсаётган бўлса ҳам майли,  
Кул босган чўғларни пуфлаб ўтди ел.  
Боболар юзига боқмоқда дадил  
Қарахликдан фориг ўзбек деган Эл.



БОБУР НИДОСИ

Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар'  
Бир фасл Андижонға ташлаб кел назар,  
Авлоду ҳабиблар сўрсалар агар  
Дегилки, Бобурга даркор эмас зар,  
У қилмас давлату шоҳликни ҳавас,  
Уни хушлуғ била эсласангиз, бас!

Юз меҳнату андуҳ ила ёр ўлдум,  
Бир кўкка етди бош, бир хоксор ўлдум,  
Юрт гардин ўнмакка интизор ўлдум,  
Анда жон топмакка зору зор ўлдум,  
Фироқ довоилари тўсди йўлимни,  
Ранж тоғлари эзди ўксук кўнглимни.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,  
Ўз туққан юртимдан ситамлар кўрдим,  
Ўздан ёғий, четдан ҳамдамлар кўрдим,  
Афғону ҳиндудан карамлар кўрдим,  
Тақдир шул экан, деб тап бердим, нетай?  
Аччиқ қисматларга гал бердим, нетай?

Бевосита ҳолим десам ўзунгга,  
Кўрундум гоҳида ғалат кўзунгга,  
Айтай гиналарим бугун юзунгга,  
Эйвоҳ, таъна тошин замлаб сўзунгга,  
Шоҳсан деб бошимга урдинг, дўндурдинг,  
Ўлган бу жонимни кўп бор ўлдурдинг.

Аҳбоблар, сўзимга қулоқ тутингиз,  
Ҳасадчи қутқусин сиз унутингиз,  
Боболар руҳи бўлса, узр ўтингиз,  
Ҳижрон ўти ҳамон ўртар, дўстларим,  
Тортган азобларим етар, дўстларим.

---

1) Ҳар банднинг биринчи мисраси Бобур қаламига мансуб.

Сиз дагн эсон бұлгайсиз, иншооллох,  
Мени ұз деб билгайсиз, иншооллох,  
Гоҳ-гоҳ ёд этиб тургайсиз, иншооллрх,  
Ёдлаб аҳволотим сўргайсиз, иншооллох,  
Шоҳу гариб диллим шуни тилайдур,  
Хотири юртдошлигим шуни тилайдур.



## УЙҒОНДИМ

Бугун ажиб қувноқ уйғондим:  
Қўнглим—тоғу, ҳисларим—чамаи.  
Истиқлолнинг завқида ёндим,  
Шодлик Семурғида учаман.  
Оғушимда шипам қишлоқлар,  
Неъматлари — шифобахш боғлар...

Тамом! Чиқдинг ёруғ дунёга,  
Бошинг кўтар, мунис Она-Ер!  
Алмашмасман минг бир маъвога,  
Даҳлсизсан, гуллаб яшнайвер.  
Энди доим шаффоф тонг отар,  
Қувонч шаббодаси уйғотар.

Сайд этилган бир каклик мисол,  
Тутқун эднинг «олтин қафасда»...  
Таигрим берди сенга истиқлол,  
Қаютларнинг тиклангай аста...  
Завол топсин сотқин сайёдлар,  
Отасини танимас зотлар...

Истибдоднинг дастидан ночор,  
Не-не зотлар хорижга кетди...  
Губорингга лаб қўймоққа зор,  
Мирзо Бобур Ҳиндуда ўтди...  
Марҳумларнинг руҳи шод энди,  
Мушкулларинг чин кушод энди.

Матонатли жонсарак халқинг  
Тўрт фасл ҳам тишим билмади...  
Тупларнингда тўли ой балқиб,  
Кундузнингда қуёш жилмайди.  
Мурувватнинг нур чироғисан,  
Садоқатли эл ардоғисан.

Ризқ бергувчи камаринг улуг,  
Жонзотки бор сени Опам — дер.  
Ҳимматингга, шаънингга қуллуқ,  
Илҳомимга ўзинг қанот бер.  
Садоқатим сочиб учайин,  
«Туман»ларни очиб учайин...

## Ю Р Т И М

Сенга сиғинаман, муқаддас юртим,  
Эй, опам зарраси қўшилган тупроқ!  
Пешонам силадинг, камолга етдим,  
Берган тузларингни унутмам мутлоқ.

Бобур ҳам чўмилган сой, соҳилларинг,  
Шайдойи — дил қилиб, меҳрим уйғотган.  
Шабоданг эркалаб тол кочилларни,  
Маъсум юрагимда илҳом қўзғотган...

Ҳиммат шималигин кўрсатди менга,  
Шоҳлари эгилган олма, шафтолинг...  
Меҳнат-матонатни ўргатди элга,  
Бошда доп кўтарган, тинмас чумолинг...

Садоқат нелигин англатди илк бор,  
Сенга жонни фидо қилган одамлар...  
Адолат йўлларин кўрсатди ошкор,  
Элимнинг жонидан ўтган аламлар...

Сени шарафлайман, даҳлсиз юртим,  
Эй, ризқу рўзимни бергувчи тупроқ!  
Иймону жонимни шаънингга тутгум,  
Меҳринг оғушидан қилмагин узоқ!



Исмоил ТЎЛАК

СОҒИНЧ

(Бобур руҳиятига айрим чизгилар)

1.

Чақмоқдек чақнаган исмсиз туйғу,  
Бола ҳисларимга солмоқда сурон.  
Бобом етолмаган бир армонсимон  
Олис уфқларга чорламоқда у.

Этмоқ орзум эди туркин якқалам,  
Алишер чорларди шеърин майдонга.  
Лек бобом кўзи-ла боқсам жаҳонга,  
Фақат шоир бўлмоқ экан жуда кам.

Салтанатнинг икки қутби — зулму эрк,  
Эзгуликнинг қутби — тиг ила қалам;  
Жисму руҳиятим тортар икки ён.

Мисли бўронларга кўкрак очган Барг,  
Улар ўртасида турибман маҳкам,  
Кўксимда минг йиллик навқирон Армон...

2.

Пўргана домга тушган кемаман,  
Қаршимда қоянинг совуқ нигоҳи.  
Қандай бу диёрни ташлаб кетаман,  
Кўз олдимда турса отам арвоҳи.

Не савдодир ахир бошимга булар,  
Жигарим хиёнат йўлини кўзлар.  
Бир пайт ошуфтаҳол боққан юлдузлар  
Ёғий бўлиб энди ҳолимдан кулар.

Она оғушини қўмсайман: майин —  
Бағрига бош қўйсам гўдакдек ювош,  
Тожу тахт қайғусини упутиб дадил.

Пойингда турибман ғариб, девоиа,  
Мисли киприкдаги омонат кўзёш;  
Оғушингга олгин, Андижон — оиц.

### 3.

Тож эмас — бошимда турган оғир тош.  
Тахт эмас — жисмимга ясалган қафас.  
Аммо юрагимда ўзга бир оташ:  
Гўзал ашъорлар деб оламан пафас.

Рухин толиқтирар қирғин-баротлар;  
Шамолдек тентидим топмасдан қўним.  
Садоқатли дўсту ёр бўлди отлар,  
Улар сағрисида туғилди Қуним.

Қувонтирди на тахт, на ишқ, на шароб,  
На илкимга кирган шаҳру сийму зар.  
Юртдон кўзидаги мунгли Изтироб,  
Қўнглим апорини бешафқат эзар.

Ҳинд сори юзландим, лекни қалб ҳамон  
Бобирдек талпинар Андижон томон.

### 4.

Дастини кўтарганча бобон калон —  
Темур оқсаб ўтди оқсоқ замондан.  
Қиличин суқмади қинига бир он,  
Уни баланд тутди ҳатто Виждондан.

Каттакон орзу-ла яшаб ўтди бир;  
Яхлит қилмоқ эди фикри жаҳонини.  
Аммо атадилар уни жаҳонгир,  
Бешафқат оқизди дейишиб қонини.

Ўзи билан кетди ул сирли мақсад.  
Устози пойига бош қўйган замон,  
Ўргимчак уядек юртни босди сад...

Ҳар он жанг олдида бир плиқ нафас  
Қалбимга урилар: — Яшамоқ, ўғлон,  
Қиллич кўтармоқдан иборат эмас...

5.

Бугун тушларимга кирмиш Андижон,  
Чорлармиш опамдек чиқиб роҳимга.  
Ёлғиз сен етурсан, дея, оҳимга,  
Инглармиш қўл чўзиб баримга нолон.

Ичккан миинорлар чўкканмиш аста  
Отамнинг Ахсида мунғайган қабри.  
Қўзғолганмиш битиб тоқати — сабри  
Андижон сабоси куйлармиш хаста...

Мени олиб келмиш бошимдаги тож  
Ва қонимда жўшган наслий бир сурон;  
Ортга қайтмоқликка йўқ энди илож.

Қайларга отмасин қисмат бўрони,  
Бағрингга қайтурмеи юртим — онажон,  
Ушалган онда элим армони...

6.

Менга қоронгудир бу ёруғ жаҳон,  
Тордир барчаларга кенг бўлган очун,  
Қўкракка интилган чақалоқсимон  
Қадрдон исингини қўмсайман дилхун.

Сийму зар олдида тиз чўкиб Виждон,  
Дўстлик мансабларга сотилди охир.  
Энди бу юртларда яшамоқ, инон,  
Кирпини тескари ютмоқдан оғир.

Бош олиб кетмоққа не иложим бор,  
Турғун қолмоққа-чи бардош йўқ сира.  
Қартайган чоғда ҳам яшар умидвор,  
Қалбим қатидаги ёлғиз хотира:

Шоҳ бўлиб бағрингдан қувилдим гирён,  
Юртим, шоир бўлиб қайтгум бегумон.

## 7.

Маҳзун хотира-ла яшардим ул кун,  
 Чоғир гаштидин-да воз кечгандим, воз.  
 Соғинч дарди қалбни эзар эди боз  
 Ва кўнгил торимга урарди нохун.

Хатти Бобурийда ашғор битгандим,  
 Ажиб бир сеҳри-ла олардим пафас.  
 Хушхабар айтдилар (кўпдан кутгандим):  
 «Андижондан савдо карвони...» «Шу бас!»

«Сўрар: келтирмаса гар малолига,  
 Шоҳ қабул қилсалар, келтирганмиз бож...»  
 «Оҳ, нелар деурсан, истиқболига —  
 Ўзим чиқадурмен бетахту бетож.

Бедаво дардимга шифодир, билсанг,  
 Юртош ширдоғида келган зарра чанг...»

## 8.

Ҳисор тоғларида ғариб, потавон —  
 Кезурдим, ўчганди умид чироғи.  
 Мулкдан айру шоҳман, ҳатто бурда нон —  
 Топмоқ имкони йўқ. Чор атроф ёғий.

Танграм, қайга отдинг қисмат тошимни?  
 Бошимга солурсан яна не савдо?  
 Олғил, керак эмас, олғил тожимни,  
 Яшашга розимен минсли бир гадо.

Қорлар саҳросида кезурман мубҳам,  
 Наки шоҳлигимдин, ўзликдин тошиб.  
 Иссиқ бир оғушни қўмсаймен мен ҳам  
 Қалбим очсам, дейман содиқ дўст тошиб.

Шундай хилқат борми ёруғ дунёда?  
 Бор эса, излайин кезиб пиёда!

## 9.

Самарқанд босқиндин ётар чалажон  
 Отқин-сотқинлардан юрт ҳуркак оху.  
 Унинг ярасига керакдир дармон,  
 Фитнаю шаробдин тузалмайди у.

Қўчманчи улуснинг ваҳший овози,  
 Гўри Мир саҳнида берар акс-садо.  
 Мисоли ўлжага ташланган този,  
 Илкимга киргани айлайди адо...

Бу юрт — авлодларнинг қутлуғ Имони.  
 Ҳеч қачон топталган имон-ла инсон  
 Боқолмас оламга мағрур ва сармаст.

Ки кимда жўшарқан теурий қони,  
 Гипа — қудуратни отсину бир ён,  
 Ёғнига ташлангани шер қаби чаптаст...

## 10.

Илкимга киргани Самарқанд охир.  
 Салтанат сеҳри-ла маст эдим ул кеч.  
 Черик, қўйиб берсанг, мушукдин олғир,  
 Элни таламоқдин тийилмасди ҳеч.

Илк фармоним: Аҳли Самарқандга — цон!  
 Олғирларга эса бешафқат жазо!  
 Бундин улус бўлса беҳад шодумон,  
 Нокас беклар эди чексиз поризо.

Фитна ўқларини отганча зимдин,  
 Сотқинлик йўлига ўтгани улар.  
 Аммо бўшамасди қўли таъзимдин,  
 Қалбин кемирса-да ваҳший ғулулар.

Икки ўт саҳнида қолган эдим мен,  
 Жангданмас, фитнадин толган эдим мен.

## 11.

Эвоҳким, илкимдин Самарқанд кетди,  
Бобо юртнинг беркдир чўнг дарвозаси.

Омад қуши шул кун бизни тарк этди;  
Дилни эзар элнинг мунг, овозаси.

Минорлар туғига санчилган юлдуз —  
Қамалдаги маҳбуб кўз ёшларидир.  
На кўз ёши, балки қотиб қолган кўз —  
Қаъридин отилган бардошларидир...

Хери тупроғидан изладим паноҳ,  
Алишер чорбоғи бўлди масканим...  
Не кўз-ла кўрайки, шаҳзодалар, оҳ,  
Бир-бирига экан ғанимдин ғаним...

«Ҳайт» дедиму кетдим мулки афғонга,  
Ота юртдин олис бийдек ёбонга.

## 12.

Қиличлар жаранги тиндилар бу шом,  
Самарқанд гўдакдек олмоқда нафас.  
Ложувард гумбазлар тўнкарилган жом;  
Қутлуғ издиҳомдин сўнг шаҳар сармаст,

Шеър битнинг келади бундай кечада.  
Ҳидлагинг келади маҳбуба зулфин.  
Очиб ташласа-ю шароб дил қулфин,  
Черикдек тентираб юрсанг кўчада...

Улуғбек кўксидан отилган армон —  
Юлдузлар бошингда солланиб турса,  
Илми коннотдин сўйласа дoston.

Она Афросиёб қаддини ростлаб,  
Олис тарихларни бир четга сурса,  
Пешонанга босса астагина лаб...

Фарид УСМОН

СОҒИНЧ

Бир лаҳза узоқларга олиб кетди хаёллар,  
Бобурни баногоҳ,  
Бир лаҳза тушиб хотирига Боғишамоллар,  
Бобур деди: э-воҳ.

Ўртади у куйган юрак ишқида Ватаннинг —  
олс у чаманнинг,  
Не бахти қаролик бу дебон берди саволлар —  
ўзни деди гумроҳ.

Ногоҳ яна анҳорлари ёдландию юртнинг  
такрор юкинди,  
Олма, ўригу, мирза терак, ҳам қора толлар...  
хўп эди сершоҳ...

Эркин болалик дамларида мисоли жайрон,  
чопарди ҳар ён,  
Ўйнаб яна ўйнаб юрибон топиб камоллар,  
энди эса ул шоҳ.

Юрт ишқи, Фарид, англа, бу дунёда буюк ишқ,  
озода, суюк ишқ.  
Бир лаҳза тушиб хотирига Боғишамоллар,  
Бобур деди: э-воҳ.

НЕ БҮЛДИ?

Ул бог пла бӯстоп қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул гул тўла ошён қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул давр ила даврон қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Фикрим сенинг ёдинг эди ҳам эртаю, ҳам кеч,  
Кеч деманинг дилдаги орзу шмадир, кеч,  
Сира ҳайрон қолдирмаю, мушкулни ўзинг еч,  
Кеттим мени ҳайрон эшигингдан, деманинг ҳеч  
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Лутф айламаднинг — зарра вафо кўзламаднинг, оҳ,  
Ўзим дединг, аммо мени ҳеч ўзламаднинг, оҳ,  
Аччиқ эса-да сўз деманинг — «тузламаднинг», оҳ,  
Жонимга даво сўзинг эди, сўзламаднинг, оҳ,  
Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Билмам, ажаб, не вафосизлик йўлини тутдинг,  
Ҳижрон йўлида ҳар кун сарсон югуртдинг,  
Шайдойи Фаридингни жазолашга буюртдинг,  
Мундоқму эди аҳди Бобурни унутдинг,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?



## ЖАМОЛИНГ ВАСФИ

Кўнгил боғлаб сенга мен, бу кўнгил фармонин  
айтгаймен,  
Кезиб дарёю сой соҳилларин — водийдан ўтгаймен,  
Сабо янглиғ ўзимни ҳар чамаи сарига элтгаймен,  
Жамолнинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлгай висолнингга мени дил хаста етгаймен.

Қиё боқмайсан-а, ерга боқиб турганча тургайсен,  
Дилнингга нени сен сўзлайсану, нени буюргайсен,  
Юзинг гарчи очиқ бир юз, кўришсак юзни бургайсен,  
Тараҳҳум юзидан юзунгни кўрмоққа буюргайсен,  
Ҳуш улким оразнингни кўрмаен, сўзинг эшитгаймен.

Тилардим ҳар нафас сендан дебон ўзингга ҳамдам  
қил,  
Кўнгил дардига ширин сўзларнингдан яхши малҳам  
қил,  
Тараҳҳум қилмадинг, кел; қўй, ўзингни энди ўктам  
қил,  
Итнингдурман сочинг зашжирини бўйнимга маҳкам қил,  
Қи водийи фироқнинг ичра қўрқарманки йитгаймен.

Ёнингда бир рақиб ёки бирор ошно била ўтсанг,  
Ва ё нодон ва ё бир оқилу доно била ўтсанг,  
Келишган қомати ҳам ҳусни чин зебо била ўтсанг,  
Тараҳҳум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,  
Тазарруъ қилмаен ё йиғлагаймен ўзга нетгаймен.

Ҳаётда қовриларкан доимо ҳар кимса ёғига,  
Фарид бардош бериб ўтмакдаман ўтли фироғига,  
Мени рост, олмаса ул яхши келдинг деб қучоғига,  
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига,  
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча кетгаймен.

Усмонжон ШУКУРОВ

ҲУМОЮН МИРЗО, ОНА ВА ОЛМОС  
ҲАҚИДА РИВОЯТ

Ҳазонрезги кунлар. Ҳориган шаҳар.  
Сукут лашкарлари ҳукмрон. Юрт жим.  
Фурсат юрагининг зарбларини тинглаб,  
Ана, аргумоқда келар аллаким.

«Нечун бунча юпун бу улуғ улус?  
Қалбин зирқпратар қандай эҳтиёж?  
Далалари маънос, боғлари маънос,  
Чечаклари рангпар, иқболи ҳам кож».

Эзар суворийни сўнгги йўқ хаёл,  
Эзар кечагина тинган қонли жанг.  
«Бу юрт маҳобатли, бу — соҳибжамол,  
Аммо нафас олар не учун арағ?!»

Эшпқларда қулф, кўчалар бўм-бўш.  
Ётар чеккаларда қилич синиги.  
Шу кез сукунатин синдириб чил-чил,  
Чиқар бир ҳовлидап аламноқ йиғи.

Тўхтар суворий. Сўнг мулозимлар ҳам.  
Бурарлар от бошини ўшал ёққа шарт.  
...Ҳовлида бир гўзал, уч-тўрт муттаҳам,  
Ўспирин ва она — кипригида гард.

Она сочларини юлиб ёлворар;  
— Қизимга тегмангиз! — дея чўкар тиз.  
Ўспирин уларга шердай ташланар;  
— Синглимини қолдиринг, унга тегмангиз!

Сухсурдаи вужудни судрашар шитоб,  
Уч-тўртта оч нигоҳ кўзга тўлиб қон.  
Ингранар, юлқинар гўзал моҳтоб;  
— Оҳ, қандай қушларга қолдик, онажон?!

Суворий тоқати тоқ бўлар гоят,  
— Бас қилниг! — буюрар, — бўшатниг қизни!  
Разилсиз шоҳ номни сотган.  
Ниҳоят —  
Қон билан ювасиз қилмишингизни!

Бағриниғизда қолсин қизиниғиз, она  
— Мард, ботир экансан, омон бўл, ўғлон!  
О, она шодлиғи мисли пўртана,  
Кўксини ёргудай кўтарар тугён.

— Уғлим, — нидо қилар она бесабр,  
Суворий жиларкан, тўхтатиб уни, —  
Кўп азоб чекдик биз, кўп кўрдик жабр,  
Бу бошга неча бор тушди ит кунни.

(Инсон не асраса, ардоқласа не.  
«Яхши кунимга» деб ният қилади.  
Лек ҳаёт уммони ичра минг савдо  
Борлигин азалдан яхши билади.

...Боболардан мерос — пўлат қутида —  
Нур тушса, чарақлаб тош ётар, ана.  
Тенгсиз, буюк ҳиммат оқибатида  
Қалбин тўлиб-тошиб тўкади она):

Шукр, сизни бизга етказди худо,  
Йўқса, бу кўрганам бўлар эди оз.  
Мардлик ўлчанмагай зар билан, аммо  
Олинг, шодлигини учқунин — олмос.

Бу билан бир халқни бойитиш мумкин.  
Қизим омон қолди. Бу эса бир тош.  
...Шаҳзода лол эди.  
Уфққа секин —  
Қизара-қизара ботарди қуёш.

...Тарихнинг ярадор қалбинн тинглаб,  
Уқдим бир ҳақиқат, нурдай софдир у:  
Яхшилик ўлмагай, қуёш безавол,  
Адолат ғолибдир ҳаётда мангу!

## БОБУРНИНГ ТУГИЛГАН ЖОИИ

Баҳор сабосига кўксимни очдим,  
Руҳимда яшнади гул очиб Баҳор.  
Эй Сабо, минг йиллар йўлчиси Сабо,  
Сенда минг йилларнинг садо-саби бор.  
Сенда аждодларнинг дардли нафаси,  
Минг йиллар тўзонини сенда чанги бор.  
Минг йиллар қуёшини олтин зарраси,  
Минг йиллар баҳорини сенда ранги бор.  
Сенда ҳақиқат бор,  
Сенда дард, шифо.  
Сахарлаб мен сенга кўксимни очдим.  
Сен бугун келтирган мусаффо ҳаво —  
Дарёсинг оқимниб-симириб ичдим.  
Сенинг қўлларингми эшигим қоққан?  
Остонамда турган мўътабар зот ким?  
Бобур-ку, отини ҳовлимга боғлаб,  
Осуда кечамни кузатмоқда жим...  
О, бобо, биламан, руҳинг безовта,  
Нобакорлар сенга ўқталганди тош.  
Улар кулдай тўзиб, чангга қорилди  
Тирик нафасингга беролмай бардош...  
...Бобо, ташрифингга мен-ку тайёрман,  
Юз йиллар жонимга жонинг найванддир.  
Тугилган жойингни талашиб аммо  
Баъзилар фолбинлик қилиш-ла банддир.  
Майда ташвишларнинг қўлмаги аро  
Энг муҳим дардларни унутдик чоги.  
Лекин дунё билар: сенинг онангдир  
Шу бемор, меҳнаткаш ўзбек тупроғи!  
Минг бир томирингда то ҳануз қондай  
Гувиллаб, жўш уриб оқар Анжонсой.  
...Бобо, дунё билар:  
Ҳар бир ўзбекнинг  
Покиза қалбидир сен тугилган жой!

## БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

Ҳусн эли ишқ аҳлига дерлар вафо кўрсатмағай,  
Гар вафоси бўлмаса, нечун жафо кўрсатмағай,  
Қўрқаман ҳаргиз яна бундай жазо кўрсатмағай,  
Шоми ҳижронин менга ул бевафо кўрсатмағай,  
Ҳажр шоми асру муҳликдир, худо кўрсатмағай,

Кўз тутиб шому саҳар йўлида тўрт бўлди кўзим,  
Тоқатим тоқ бўлди-ю, ҳеч топмади сабрим тўзим.  
Тунларим ойсиз, неча учди чароғон юлдузим,  
Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузим,  
Ераб, андоқ қуши ул кўзи қаро кўрсатмағай.

Лайливаш сезмас, ажаб, анга меҳрпарварлигим,  
Босди ишқ саҳросини дарё бўлиб селдай йиғим.  
Ортди бепарволигин кўриб зору ҳайронлигим,  
Ишқ истар бўлса Мажнун, айлагай пайравлигим,  
Йўлни не билсин киши то раҳнамо кўрсатмағай.

Ҳеч биров мендек умид мандинг ўчўрмағай,  
Кўзларинг орзусида бежиз кўзим минг ўчўрмағай.  
Бесабаб бошдин ҳушим, уйқу кўзимдан қочмағай,  
Очмағай кўзини то сўкмакка оғзин очмағай,  
Юзини кўрсатмағай то юз жафо кўрсатмағай.

Кечадек кўнглим, хабар йўқ порлаган дил моҳидин,  
Қутқарур Усмонни ким ёлғиз жудолик чоҳидин,  
Ҳар киши яхши-ёмонликни кутар ҳамроҳидин,  
Учқудекдур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,  
Кел пари, таъжил ила жоним ҳаво кўрсатмағай.

Кўзимда ўл кўзи хуморим қани?  
 Муборак поми жон туморим қани?  
 Чаманларда баҳор, баҳорим қани?  
 Қади шохи гулдек нигорим қани?  
 Лаби ғушчадек гулузорим қани?

Не кунлар ўтмади сабр-бардош била,  
 Кечирдим ғуссани кўнглу бош била.  
 Менинг не ишим энди қуёш била,  
 Не тонг, юз нигор ўлса, қон ёш била,  
 Ки ул юзи гул, ёш нигорим қани?

Қани ул суҳбати гул, сўзлари дур,  
 Озод ўй, бағри дарё-ю хаёл хур,  
 Қоронғи дилни равшан айлаган нур,  
 Қаро кечаларда кўзим ёритур,  
 Ушал шамъи шабҳон торим қани?

Қудомига қотди билмай бу аҳвол сирин,  
 Юлдузлар ҳам сўнди, воҳ, бирини-бирин,  
 Ярим кечалар келур эрди бурун,  
 Бу тун келмади, оҳ, ёрим қани?

Бу кеча бошимга ёғди ҳажри қор,  
 Билмадим, қанча дилим бардоши бор.  
 Менга ул ой ишқи тенгсиз ифтихор,  
 Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,  
 Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Одил АБДУРАҲМОН

БОБУР МИРЗО

Боғишамол тепасида моҳ  
Ўз хуснини айларкан хира,  
Бобур Мирзо қалбида бир оҳ:  
— Андижонга тўймадим сира.

Шабнам тортиб йиғлади боғлар,  
Бошини эгди бу кеча очун.  
Маҳзун армон юракни доғлар,  
Юри Андижонга кўчигиллар дилхун.

Улуғ шоир кетиб боради,  
Андижонни қалбида олиб.  
Қанча аср ўтиб боради,  
Шоир куйлар ҳали ҳам ёниб.

\* \* \*

Рухларимни қўзғаманг, қўйинг,  
Жодингизда, майлига, сўйинг.

Соғинчингиз бўлсин йироқда,  
Ётиб қолдим ўзга тупроқда.

Андижондан қувилган Бобур  
Андижонда суйилган Бобур.

Ерингизга қўшмангиз хоким,  
Рухим қолсин қабримга хоким.

## БОБУРНИНГ АНДИЖОНДАН ЧИҚИШИ

Андижон Адабиёт музейида шундай  
суврат бор.

ВИДО деб титради туш таъбирлари,  
Аламдаи тулпорлар тушов уздилар.  
Майсаси янчилиб юрт адирларини,  
Қучоғи қонталаш гуллар тўздилар.  
Андижон осмони бу дам қорадур,  
Тақдирини қарғаб Бобур борадур.

Еллар вазмин елиб кузатиб борди,  
Ғамгин сайёҳларга омонлик тилаб.  
Исмни бир лаҳза унутди Водий,  
Видо қонлаб турган кўзларга қараб.  
Бунда осмон йиғлар, бунда йиғлар нур,  
Дили йиғлаб борар Ҳазрати Бобур.

...р» айланди, йиғлашди чоғи,  
Қушунмас овозга ўраб додини.  
Йўлларнинг минг қарра орди қийноғи,  
Тинглаб шогўҳларнинг жим фарёдини.  
Рутубатли юрак пора-порадур,  
Тақдирини қарғаб Бобур борадур.

Тақдир деганининг ўзи ҳам куйди,  
Бу ўтли аламга боқиб дафъатан.  
Жон риштаси надир — шарҳини туйди,  
Мушкул қорачиқда кетганда Ватан.  
Андижон бағри хун, ночор онадур,  
Унинг шоир ўғли кетиб борадур.



**БОБУРНИНГ «ТОПМАДИМ»  
ҒАЗАЛИГА МУХАММАС**

Одамдин ўзга одама ағёр топмадим,  
Оламдин ўзга ғам тўла бир ғор топмадим.  
Жопондин ўзга шаккари гуфтор топмадим,  
Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим,  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Ўзимдин ўзга бағрихуну хор кўрмадим,  
Меҳру садоқатга дили зор кўрмадим.  
Дунёда вафо бормиди, зинҳор кўрмадим,  
Жонимдин ўзга жонини дилафкор кўрмадим,  
Кўнглим киби кўнгилини гирифтор топмадим.

Очгач юзини, сўнди қуёш, ой ила Зухро,  
Айтгач сўзини, тинди тамом булбулигўё,  
Умрим тунига ёқди чароғини маҳлиқо,  
Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Қалбим уйда нола қилур ошиғи булбул,  
Шайдолигим ёрга баён этмоғи мушкул,  
Ҳолимни сўраб келмади у, ўтди ойу йил,  
Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечакки бориб эшигига бор топмадим.

Мирзо қидириб кезди, ватан — диёрсизки мен,  
Гирёна бўлиб ҳар кўчада орсизки мен,  
Дунёда қолиб кўзлари хуморсизки мен,  
Бобур ўзингни ўргатакўр ёрсизки мен,  
Излаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

## БОБУР ФИҒОНИ

Қисматинг зардоби бунчалар тахир,  
Айрилиқ қандайин жазо ва қаҳр?  
Чархи фалак сени кўн кўрди менга,  
Сен мени тушунгин, Мовароуннаҳр.  
Сендан айрилдим у оғулар ютдим,  
Мени шоҳ десалар, ишонма, юртим!

Кўзимнинг ёшлари кўлмасмиди, оҳ!  
Мен кетган йўл — «борса келмас»миди, оҳ!  
Узга юртда ҳоқон саналганимча,  
Сенда гадо бўлсам бўлмасмиди, оҳ!  
Сендан айрилдим у оғулар ютдим,  
Мени шоҳ десалар, ишонма, юртим!

Гарчи лашкарларим енгилмас, толмас,  
Гарчи ҳинд элидан кўнглим ҳеч қолмас,  
Аммо дунёни лол этган Кўҳинур  
Сизим тупроғингга тенг бўла олмас.  
Сендан айрилдим у оғулар ютдим,  
Мени шоҳ десалар, ишонма, юртим.

Қалбимдан фироғнинг дарди кетмади,  
Оҳим кўкка етди, сенга етмади.  
Тупроғингни ўзиб, эй Андижоним,  
Бағрингда ўлмоқ ҳам nasib этмади.  
Сендан айрилдим у оғулар ютдим,  
Мени шоҳ десалар, ишонма, юртим.



Олимжон ХОЛДОР

## КАРВОН ҚУНҒИРОҒИ

Дўстон

### I

Ахсикент осуда, кўчалар жим-жит,  
Гуллар баҳра олур тонг нафасдан.  
Хўроз қичқиради, юлдузлар «милт-милт»,  
Миноралар титрар озон сасидан.  
Пастда симоб янглиғ оқар Сирдарё,  
Қалъанинг пойига уриб бошини.  
Назидида шу ердан иборат дунё,  
Айтолмайман фақат унинг ёшини...  
Шақилдоқ қўлида, жарчи сахарлаб,  
«Ғафлат» уйқусидан уйғотар юртни.  
Шабнам гул баргига босар экан лаб,  
Ёруғлик оламга оппоқ ранг суртди.  
Тандирга ўт қалар поивой шу маҳал,  
Узлатга кетади сўнги юлдузлар.  
Қўшни боғда булбул ўқийди ғазал,  
Кўча супуришар келишлар, қизлар.  
Машъала ҳам ўчар, соқчи алмашар,  
«Хирқираб» очилар ҳорғин дарвоза.  
Чопар «арки аъло» томонга шошар,  
Шаҳарни лаҳзада тутар овоза:  
«Одамлар, одамлар, боғда битган бодомлар,  
Бугун Андижон ёқдан тонг чоғи шамол турди.  
Тарих бўлиб қоладир, тинглашгиз ушбу дамлар,  
Олампаноҳ Умаршайх Мирзомиз  
фарзанд кўрди!»  
Тун бўйи Анжондан от сурган бедор —  
Элчининг хабари Аркка етганмиш...  
Катта бозорларда такрор ва такрор,

Уқилди пирҳикмат Олий фармойиш.  
 Чопарга инъомлар қилинди тортиқ,  
 Олтин камар берди, устига зар тўн.  
 Эҳтиромин бажо айлади ортиқ,  
 Катта зиёфатга буғруқ берди сўнг.  
 Карнай ва погора оламини тутар,  
 Шўх-хандон ўйинга тушар дарвишлар.  
 Узоқ-узоқларга шу кунни етар:  
 «Подшоҳ ўғил кўрмиш» деган миш-мишлар.  
 Уч кеча, уч кундуз тўю тантана,  
 Тарқатилди палов ва барра кабоб.  
 Созандалар эса бўш келмас япа,  
 Аҳси китобига қўшилар бир боб.  
 Умаршайх севинчдан кўзларида нам,  
 Ширакайф лабларда ўрмалар кулгу...  
 Базми қолдириб пинҳона шу дам,  
 От сурди уч-тўртта барият<sup>1</sup>-ла у.  
 Ортда қолди Аҳси, ортда қолди тахт,  
 Сирдарёдан кечиб ўтдилар улар.  
 «Фарзанд — ўғил кўрмиш, о, қанчалар бахт!»  
 Подшоҳни учириб борар шу ўйлар.  
 Олдинда Умаршайх, «ғир кўк» елади,  
 Хаёлида эса Қутлуғ Нигорой.  
 Ўйларини ўйлар қувиб келарди,  
 Қувончидан олам воқиф бўлгандай.  
 Давлатнинг ишлари қолди бир ёнда,  
 Шоҳнинг ташвишлари йўқ эмас албат.  
 Юрағи севгани — жон Андижонда,  
 Ўғилли ҳам бўлди Умаршайх ҳазрат.  
 Орзиқиб, интизор кутган дам етди,  
 Валиаҳд ҳам келди ёруғ дунёга.  
 Давлат ташвишларини тамом унутди,  
 Шукур, дер яратган тағри-таолога.  
 Ўғил ота ўрнин босар, дейдилар,  
 Бу бизга боболар асрий мақсади.  
 Ўғил ёғий<sup>2</sup> йўлини тўсар, дейдилар.  
 Бу ҳикмати менмас, донолар айтди.  
 Ана яқин қолди жонажон шаҳар,  
 Отдан тушиб, унга шоҳ қилур таъзим.  
 Бир кафт тупроқ олиб кўзига суртар,

1) Барият — бек ва аъёнлар дегани.

2) Ёғий — ёв, душман дегани.

Атрофида турган барият ҳам жим.  
 — Ассалом, туққан юрт, муқаддас днёр,  
 Гуноҳидан кечгил ўғлингил, Ватан.  
 Сенга асраб юрган битта гапим бор,  
 Айтмасам ўзимни кечиролмасман.  
 Андижон қайда-ю Ахсенкент қайда,  
 Агар жаннат бўлса ўзингсан, юртим...  
 Бу гаплардан айтгил не наф, не фойда,  
 Тупроғингни такрор кўзимга суртгил.  
 Не қилай, не чора қўлимдан келмас,  
 Пойтахтни қайтадан кўчирмоқ сенга.  
 Шоҳ бўлиш аслида эмаску ҳавас,  
 Бир кун қайтармиз, нишонгил менга.  
 Қўлларин кўксига қўйиб сипоҳлар,  
 Тинглар, Умаршайхнинг кўзларида ёш.  
 Огоҳ бўла қолсин бу сайргоҳлар,  
 Огоҳ бўла қолсин шу замни, қуёш.  
 Отга сакраб минди ва босди қамчин,  
 Андижонга қараб боради подшоҳ.  
 Шунда у биринчи Ватанинг кучини —  
 Англади, барият ҳам бўлди огоҳ.  
 Аркчи<sup>1</sup> дарвозасини катта очдилар,  
 Болалар чоңқилаб чиқдилар пешвоз.  
 Умаршайх пойнга гуллар сочдилар,  
 Саф тортиб турарди навкару сарбоз.  
 Отини жилловини тортди рикобдор<sup>2</sup>  
 Қўлтигига кирди савдор<sup>3</sup> таъзимда.  
 Қариндош болалар чулдираб такрор,  
 Атрофини ўраб олди бир зумда.  
 Олтин пул улашиб ҳар биттасига,  
 Умаршайх ичкари томон шошарди.  
 Маст бўлиб гўдакнинг «инга»сасига,  
 Остонадан уйга қадам ташларди.  
 Қутлуғ Нигорбегим парда ортида,  
 Ёшида чақалоқ йиғлар тўхтамас.  
 У турмоқ бўларкан, шоҳ гап қотди-да,  
 Деди: — Ором олинг, бегим, патимос!

1) Аркчи — Андижон шаҳридаги Умаршайх арки. Уша арк ўрнида ҳозир бир кўча бўлиб, уни андижонликлар Арк ичи деб юритадилар.

2) Ёғий — ёв, душман дегани.

3) Савдор — хос хизматчи дегани.

— Қаранг, йинглаётир ўғлингиз, шоҳим,  
 Ассалом, дадажон, деганимасми?!  
 Гуноҳимдан ўтнинг, мен туrolмадим,  
 Қўйиб ҳам берасиз ўзингиз исмини.  
 Гўдакни қўлнга оларкан ота,  
 Юзларни юзига босади суюб.  
 «Бобур сифат<sup>1</sup> полвои йингит» дер аста,  
 Уймоқчи ҳам бўлар тўйиб ва тўйиб.  
 «Бобур, бобур сифат» бу лақаб, бу ном,  
 Бир умр гўдакка муҳрланганди.  
 Кейин, Заҳрирддин деб атасалар ҳам,  
 Бобур, Бобур Мирзо бўлиб қолганди.  
 Эсон Давлат бегим<sup>2</sup> бўлур парвона,  
 Набирасини қўлга олиб эркалар.  
 Нингорбегимга шоҳ тикилар яна,  
 Ва дейдир: — Маликам биздан не тилар?  
 — Тилагимиз битта: соғ ва бахтиёр,  
 Давлатингиз бундан бўлсин зиёда,  
 Яна Сизга шунини тилаймиз ошкор,  
 Бахтимизга омон бўлнинг дунёда.  
 — Офарини маликам, қуллуқ, ташаккур,  
 Аввало эл-улус, тинч бўлсин олам.  
 Ҳеч битта хонаини тарк этмасини нур,  
 Қиприқларга эса илинмасини нам...  
 Гўзал Андижонда бошланади тўй,  
 Улоқ берадилар Отчопар<sup>3</sup> ёқда.  
 Дош қозон осилиб сўйилар от, қўй,  
 Байрам қилар бугун шаҳар, қишлоқда.  
 Хутбага ҳам қўшиб ўқилди номи,  
 «Якка валнаҳд!» деб берилди фармон.  
 Заҳрирддин отлиқ Бобур Мирзони,  
 Қутлаб дуо қилди бутун Андижон.  
 Бир ёнда Умаршайх Мирзо парвона,  
 Эркалаб суймоқчи бўлар ўглини.  
 Бир ёнда термулар Бобурга она,  
 Тарих муҳрламыш ана шу кунни.

1) Бобур сифат — шерга ўхшаш дегани.

2) Эсон Давлат бегим — Бобурнинг бувиси.

3) Отчопар — Андижон адирининг шарқий қисми шундай  
 деб аталади. Ҳозир ҳам бу ерда қиш ойларида улоқ чопилади.

Елкада юз йиллар, ўтар асрлар,  
 Эртакка айланур ўтмишларимиз.  
 Ахси каби қанча арку қасрлар —  
 Қулар, сўнг, излаймиз изларини биз...  
 Ҳаёт ўзи шундай қурилган асти,  
 Биз унга боқамиз доим четидан.  
 Тирикда қадрига етмаймиз, рости,  
 Ва йиғлаб юрамиз унинг ортидан.  
 Йўқ-йўқ, бобом ҳаққи, жонажон шаҳрим,  
 Авлодлар ёдини унутмоқ мушкул.  
 Қанча узоқ бўлса юлдуз, билнингким,  
 Шунчалар чарақлаб кўринадир ул.  
 Мен шунн биламап, бир кунн келиб,  
 Бизлардан ранжигай янги бир авлод.  
 Лоқайдликда айблаб, кўнгиллар тўлиб —  
 Ўзгаларин ҳатто эта олмас шод.  
 Гоҳ у деб, гоҳ бу деб ўз боболарини,  
 Қадрига етмаган тентаклар, дерлар.  
 Оталар ҳақида ошкора ва чин  
 Ҳеч бўлмаса сўзланг эртаклар, дерлар.  
 Шунда биз Бобурдан сўйлаб афсона,  
 Ахси, Андижондан юртамиз баҳс.  
 Ҳозирча кўп нуқта қўйиб дostonга,  
 Қиссани шу ерда бас қилайини, бас.

## II

Тахтда ўлтирадир Андижон ҳокими,  
 Болалиги қолмиш ортда саробдай.  
 Қўнлар орзу қилган салтанат шуми?  
 Иғволар қиличини қайраб турар шай.  
 Одамлар рижор, одамлар ёмон,  
 Ургимчак янгидап ни тўқий бошлар.  
 Қуръонини ўпару сўйлайди ёлғон,  
 Макрона кулар, сўнг кўзини ёшлар.  
 Дўст киму душман ким ҳеч билиб бўлмас,  
 Оёғинг остига тўкадир тарнқ.  
 Қариндошлар ахир бегона эмас,  
 Дунёнинг ишлари шундоқ, во, дарнғ!  
 Фарзандлар отага қилур хиёнат,  
 Акалар укага чоҳ қазур, ажаб.  
 Фисқу фужурлардан тўйганмиз ҳайҳот,

Майдон, кўчаларда минг хил

«миш-миш» — гап

Кимга ишонмоқни, суянмоқни ҳам  
Билмас ёш бошида олам ташвиши.  
«Ёғий босиб келар!» — гам устига гам,  
Наҳот ўн иккида бошланса қиши.  
Аъёнлар гимирлаб қолдилар бироз,  
Кўрсатмоқчи бўлиб садоқатини.  
Юзингга мақтаган душманлиги рост,  
Унутма номарднинг қасамёдини.  
Арк ичи. Муҳташам кўк гумбаз, сарой,  
Тўпланур хилма-хил кийинган беклар.  
Наздимда уларни шу вақт ҳойнаҳой —  
Ваҳима аралаш ўртар ҳадиклар.  
«Нима дер ёш ҳоким, балким этур рад,  
Балким қувиб солар ҳаммамизни тенг!»  
Бутун мамлакатда тарқалмини бу «дард» —  
«Балким очиб берар дарвозани кенг!»  
Ёш ҳоким ўлтирар тахтда сервиқор,  
Таъзимда кираркан бир-бир аъёнлар.  
Барчасини дилида гиша, гаши бор,  
(Уларнинг ярми дўст, ярми душманлар).  
Қўлларни кўксинда қатор саф тортиб,  
Зар тўн, олтин камар, қўлларда тасбеҳ —  
Турар гап бошлашга ожиз — тап тортиб,  
Ташқарида кабоб ёнур, куяр сик...  
Бобур катталардек дер «айтнинг, беклар,  
Ёғий эшик қоқар не маслаҳат бор?..»  
Ҳамма жим, сукутда, қоши кериклар,  
Бошин эгиб турар гунг, итоаткор...  
Ташқарида ҳозир Бобур нигоҳи,  
Булутли осмонда бир тўда каптар.  
Чарх урар, қанотини гоҳ ёзиб, гоҳи —  
Йингар, варақланган гўё оқ дафтар.  
Шу вақт ҳў шотутдан чумчуқ боласи,  
Уяндан настга думалаб тушди.  
Оромини олди она поласи  
Бобурнинг ўйларини у томон кўчди.  
Тарк этди хонани. Аъёнлар қолди,  
Ҳамма ёқа тутиб боқар ҳайратда.  
Даврага ҳайратлар бир гулув солди,  
Улар ёш ҳокимини кўрар дарахтда.  
Она чумчуқ «дод!» деб парвоз этарди,



Бобур яланг оёқ чиқар юқори.  
 Чумчуқ уясида илон ётарди,  
 «Одам иси» келиб чекинди нари.  
 Илонни бўйшидан гижимлаб маҳкам,  
 Ерга улоқтирди, зарб билан отди.  
 Шотутдан сакради Бобур ўзи ҳам,  
 Қўрқувданми раини оқариб кетди.  
 Чумчуқ боласини сақлаб қолди у,  
 Эртадаги каби илонни «яичди».  
 (Ўқувчи кечирсин, қадим олат шу,  
 Бобур ханжар ила бошига санчди).  
 Даврада ўлтирган бирорга одам,  
 Нималар кечганин билмади ҳаргиз.  
 Айтмоқчи эмасди буни ҳоким ҳам,  
 Бироқ, ҳар хил ўйлар солар илон из...  
 Аъёнлар ичинда бошланди шов-шув,  
 Бобурнинг ўзинга айтолмас ҳеч ким.  
 «Ахир бу ёш бола, кўн ёш экан-ку  
 Не кечганин ўзи айтадир, балким!»  
 Борлиқ жим, давра жим, жимлик ҳукмироп,  
 Ҳар ким ўз ўйинла яшайди шу чоқ.  
 Уртада ивирсир шубҳа ва гумон,  
 Бобурнинг кўксинда тиниқлик, бироқ —  
 Бир-бир боқиб чиқди бекларга Бобур,  
 Шошмай гап бошлади охир ниҳоят:  
 — Биздан ўтган бўлса этурсиз маъзур,  
 Бирор ёмонликни этмадик инят.  
 Жаноблар, шубҳага бормангиз асло,  
 Ёшлигингиз ўйланг ҳаммангиз такрор.  
 Гапларимда йўқдир бошқа бир маъно,  
 Жуда қийин экан бўлмоқлик тождор.  
 Меннинг ёшимда Сиз қандай бўлгансиз,  
 Ёгочдан от ясаб чопгансиз албат.  
 Чумчуқ ўйнагансиз, ит ўйнагансиз,  
 У кунларни эсга олдингиз фақат.  
 Мен-чи, болаликни билмадим асло.  
 Катта бўлиб қолдим ўн икки ёшда.  
 Кетма-кет ёгилди ғам, ҳасрат, бало,  
 Яна не гурбатлар бордир бу бошда?!  
 Болалардай шўх, шод ўйнагим келар,  
 «Кўз боғлаш», «Оқ терак» ва «Ўгри тутди»!

## 1) Ўйинларнинг номлари.

Узгалардай қўшиқ куйлагим келар,  
 Афсуски, болалик бир тушдай ўтди.  
 Болалигим тутса ахир не қилай,  
 Раҳмим келди чумчуқ болачасига.  
 Илон борлигини мен қайдан билай,  
 Чидолмадим унинг нола-сасига...  
 Шубҳалар тумандай тарқадн, кетди,  
 Тасанно дейишди Бобур ақлига.  
 Беклар қойил қолди, барини унутди,  
 Яна бир ишонди халқнинг нақлига:  
 «Бола — болалигини қилиши керак,  
 У қариб қолмасин гўдак ёшида».  
 Агар Сизда бўлса заррача юрак,  
 Қош чимириб турманг шўрлик қошида.  
 Яхшироқ ўйлангиз, жаноб аъёнлар,  
 Ота юртни ташлаб кетмоқлик абас.  
 Ларзада Мавкаб-у' бойлар, боёнлар,  
 Салтанат ларзада, гаплар энди бас!  
 Бобур дер — Ёғийнинг қўллари баланд,  
 Ё таслим бўламиз, ё чекинамиз.  
 Ғаним сирларини билсак-да гарчанд,  
 Жаноблар, жуда ҳам озчиликмиз биз.  
 Тақдирда бор экан иложимиз йўқ,  
 Яратганинг ўзи биладир яна.  
 Биз учун ой ботди, лекин кўнгил тўқ,  
 Жонажон Андижон бугун ғамхона.  
 Улус дер: — Биз таслим бўлмасмиз, аммо  
 Жанг қилурмиз сўнгги қонлар қолгунча.  
 Андижонликларга ярашмас асло,  
 Ўлганимиз яхши таслим бўлгунча.  
 Бироқ, қон тўкмоқдан ҳожат йўқ, ҳожат,  
 Ёғий кучлик, бундан тан олмоқ керак.  
 Таггри ўзи берсин сабр ва нажот,  
 Ахир бизларда йўқ мадад ва тирак!  
 Сўнг Бобур кўзига келди ҳалқа ёш,  
 Тахтдан тушиб аста кирар ичкари.  
 Беклар ва аъёнлар ҳайҳот эгиб бош,  
 Хонаши тарк этиб чиқарлар бари.  
 Бобурнинг бошига тушган ғам, алам,  
 Чумчуқ ҳангомасин келтирар ёдга.  
 Гарчи илон янчиб ўлдирилса ҳам,  
 Бу қисса авлоддан ўтмиш авлодга.

---

1) Мавкаб — подшоҳ ва унинг барча ақинлари, аъёнлар.

Ҳеч кимсага кўрсатмасдан кўзларин ёшлаб,  
 Йиғлаб олди, сўнг сафарга отланди Бобур.  
 Ота юрти, она юрти Анжонни ташлаб,  
 Хайрлашди ҳамма билан қўл олиб бир-бир.  
 Катта йўлга — Уш йўлига чиққанда улар,  
 Қош қорайган — номоз аср вақти бўлганди.  
 Ваҳимлардан ҳомиладор эзгу туйғулар,  
 Андижонда шу лаҳзалар етим қолганди.  
 От сурдилар баландликка — Боғишамолга,  
 Номоз ўқир чодир тикиб йигитлар шу он.  
 Бобур чапга салом берди. Ҳайрон бу ҳолга...  
 Жойномозни йиғиб деди:—Қаранг, Андижон—  
 Бу ерлардан кўринаркан, боқинг, йигитлар,  
 Қуюқ туман ичра қолмиш гўзал Андижон.  
 Номозни ҳам қўйинг, қаранг, қора булутлар,  
 Ёраб, қандай бардош қилгум бунга, дўст, ёрон!  
 Ҳеч кўрмагил ва билмагил недир завол,  
 Боғишамол, Боғишамол, Боғишамол!  
 Ортда қолди яна гўзал Андижон,  
 Яна Ватанидан қувилди Бобур.  
 От жиловини тортди, ошаркан доvon,  
 Юрак тўла армон, юрак тўла сир...  
 Жойномозни йиғиштириб кўзда ёш билан  
 Суқланиб боқади она диёрга.  
 Вужудин ёндирган ўт оташ билан,  
 Суқланиб боқади яна диёрга:  
 Сўнгги бор сўйиб олайин,  
 Сўнгги бор тўйиб олайин,  
 Жамолингга, камолингга, Андижон.  
 Мен бардош қиллолмайма —  
 Заволингга Андижон!  
 Кўз ёшларин артди,  
 Аламин ордди;  
 — Насиб этса юртга қайтмоқлик агар,  
 О, туироғи зар.  
 Сени қучиб, сени ўпиб,  
 Суртардим кўзга.  
 Сенга фақат бахт тилашдан  
 Ният йўқ ўзга.  
 Насиб этса шу доvonга қурай бир сарой,  
 Андижоним бўйи баста кўринар бу жой —

Бир оромгоҳ бўлиб қолсин,  
Ва гулларга тўлиб қолсин,  
Оқшомлари ўзим ҳар кеч  
Кўзларимни узмай ҳеч —  
Андижоним сенга минг бор  
Боқар эдим бахтиёр.  
Нетай, афсус, ўзим билан  
Кетар бўлди оҳу зор...  
Алвидо, эй она тупроқ,  
Алвидо, майини еллар,  
Мени кутар билмам шу чоқ,  
Не-не гурбат, не эллар.  
Ҳеч кўрмагил ва билмагил недир завол,  
Богишамол, Богишамол, Богишамол!

\* \* \*

Узаинига қўйди оёқ  
Ва туриб қолди Бобур.  
Отга минди яна эвоҳ,  
Деди ортга боқиб бир:  
— Сўнги бор суйиб олайин,  
Сўнги бор тўйиб қолайин,  
Жамолнингга, камолнингга, Андижон,  
Мен бардош қилолмайман  
Заволнингга, Андижон!  
Отга қамчини босди шунда  
Хайҳот, қайнаб тошди у.  
Юрагини ташлаб бунда,  
Ўзи доvon ошди у...  
Ҳеч кўрмагил ва билмагил недир завол,  
Богишамол, Богишамол, Богишамол!

\* \* \*

Ўтди роса беш аср,  
Тарих учун ҳеч гапмас.  
Ўтмишни қўй, бугунлардан  
Гап қил, дединг, дединг бас!  
Майли тингла, айтиб берай,  
Бу ҳеч эмас афсона.  
Бобом Бобур қўниб ўтган  
Довондамиз биз яна...  
Бугун бунда эртақлардай бир жаннат  
Замондошим этмиш бунёд...

Балки бунга сабабчидир бир фақат  
Бобур деган улуг зот.  
Мен биламан, шу тепалик,  
Шу кушни зор  
Кутди қапча асрлар...  
Бизлар келдик ва нақшндор —  
Қурдик сарой-қасрлар.  
Раҳмат сенга замондошим  
Довон кўрсатур жамол.  
Осмонгача етар бошим,  
Яшарар Боғишамол.  
Соя-салқин чаман, боғ-роғ —  
Пойимдадир мажнунтол.  
Пойимдадир бу оромгоҳ —  
Ям-яшил Боғишамол!  
Пойимдадир бу кун доvon,  
Пойимдадир тоғлар ҳам.  
Бундан неки жон Андижон,  
Кўринар жами олам.  
Ҳеч кўрмагил ва билмагил недир завол,  
Боғишамол, Боғишамол, Боғишамол!  
Ишқинг меникидир,  
Сеникидир доим шу жону, шу тан,  
Меҳрим сеникидир, гўзал Андижон.  
Меникидир гулга бурканган даврон,  
Боғишамол деган эртақдай Ватан.  
Мен шундан боқаман бутун жаҳонга,  
Мен шундан тонганман илҳом, истиқбол.  
Сигинмоққа шайман жон Андижонга,  
Энди менга навбат, тингла, қулоқ сол:  
Ҳеч кўрмагил ва билмагил недир завол,  
Боғишамол, Боғишамол, Боғишамол!

#### IV

Не-не ғурбатларни кўрмади Бобур,  
Ватан деворишинг атрофларида.  
«Қошки қадамларим етса сенга бир  
Қолмасам ўзга юрт тарафларида!»  
Қанча аср ўтди бобом изидан,  
Афгон билан Ҳиндни одимлаб чиқдим,  
Суринг, тўлқин деган денгиз қизидан,  
Юрак дардларимни билмади ҳеч ким...

Ой қўнганда Тожмаҳалнинг оқ гумбазига  
 Миноралар юлдузларга кўмилар эди.  
 Оро бериб хиёбанлар тунда ўзига,  
 Борлиқ шунда мәрмәр нурга чўмилар эди.  
 Мен ҳам гўё нур қўйида қулоч отардим,  
 Хаёлларим тутқич бермас, кўчар ўтмишга.  
 Мен Бобурга авлодлигим билмасди ҳеч ким,  
 Ўшар эди шу лаҳзалар гўё бир тушга.  
 Ҳақ от миниб кўз ўнгимдан ўтадир бобом,  
 Сана Ватан ҳижронида юзлари сўлғин.  
 Ҳумоюн ҳам, Акбаршоҳ ҳам, Шоҳижаҳон ҳам,  
 Тожмаҳалнинг айвонида гамгин олар тил.  
 Кезар эдим Ганг бўйида ҳафта ўтмасдан,  
 Согинганман болаларим ўғлим, қизимни.  
 Сафаримнинг муддатлари ҳали битмасдан,  
 Тополмасман мен қўярга бир дам ўзимни.  
 Саройларга зеб бердилар, арқлар қурдилар,  
 Бир хотира қолдирай деб ўзга Ватанда.  
 Бир кун келиб менинг узоқ авлодларим ҳам  
 Ёдларига олсалар бас, тақдир эканда —  
 Ватан қилдик, Ватан қурдик, дедилар улар,  
 Аммо, вафо қилмадилар сарой, қасрлар.  
 Қовоғини уйиб турган минорлар қулар,  
 Жароҳатли давронлардан сўзлар асрлар.  
 Бу дунёнинг саргузашти о, бунчалар кўп  
 Ҳаммасини ёзмоқ учун бир умр етмас.  
 Ўзга юртда ўйлар мени толиқтирар хўп,  
 Кўрганларим, билганларим ёза олсам бас!  
 Ҳиндистоннинг донолари, дошшмадлари,  
 Айб этмангиз зарра Сизни ранжитган эсам.  
 Ўз юртининг иқтидорли кришанлари,  
 Ҳайрон бўлманг, мен Бобурнинг авлоди, десам.  
 Агар Ҳиндга келмасайдим ва кўрмасайдим,  
 Балки дoston ёзилмасди, чекмасдим фиғон.  
 Қелибманки, энди асло кетолмасман жим,  
 Сўнгги сўзим: Яхши қолгин бобо Ҳиндистон!  
 Хаёлларим яна кўчар ўтмишга ҳайҳот,  
 Гоҳ Афғонда Бобур билан чекаман фиғон.  
 Охири йўқ карвонларнинг йўли бу наҳот —  
 Мунгли наво заминида инграр Ҳиндистон.

\*Агра! Салтанатда Заҳириддин Бобур,  
 Ватанининг ҳажрида ўй сураб эди.  
 — Сизни йўқлаётир, ҳазрат, мусофир,  
 Қирсинми ва ёки ниҳа дейин, ман?!  
 У дарвиш, мусофир, бу юртдан эмас,  
 Соқоллари ўсиқ, чеҳраси сўлғин.  
 Уни киритмаслик бўладир абас,  
 Навбат кутар пирим, ҳафтадир бугун.  
 Сизга Ватандошга ўхшар у одам...  
 — Наҳот Андижондан, чорлангиз дарҳол!  
 Деди Бобур, кўнгли ёришди шу дам,  
 Шоҳнинг саройига кириб келар чол.  
 Шоҳ тахтда ўлтирар, гумбазларда пур,  
 Аҳбоблар саф тортиб туришадир жим.  
 — Ҳазратим, тангрига минг марта шукур,  
 Сизни кўрмоқ эдим, ниятга етдим...  
 Бобур тахтдан тушиб, бағрига босди,  
 Ҳатто кўзларида пайдо бўлди ёш:  
 — Ватан ҳижронини сўрмангиз асти,  
 Нетай гурбатларга яралмиш бу бош.  
 Ватаним омонми, сўйлангиз бир-бир,  
 Оша тилимизини, оҳ, соғинганман.  
 Чолнинг юз, кўзидаи ўладир Бобур,  
 Дейдир: тушларимга кирадир Ватан!  
 — Қовун олиб келдим, Сизга, деб ҳазрат!  
 — Қовун, жуда яхши, — пичирлар лаби, —  
 Андижон қовуни, Ватандош раҳмат! —  
 Бобур яйраб кетди ёш бола каби.  
 Шоҳ қовунини карчлаб, тарқатди уни...  
 Таъми қолди сарой аҳлини тилида.  
 Мана беш асрки, Андижон қовуни  
 Номин билан машҳур ҳинднинг элида.  
 Ҳиндистон қовунини тарихи узоқ,  
 Қовун экиладир ўшандан буёқ.

---

1) Агра — Бобур давридаги Ҳиндистон пойтахти.

Бобур эслаб кетди болалигини,  
 Яна хаёллари кезар дарбадар.  
 Жамнанинги еллари эркалар уни,  
 Юрт ишқи қалбини доим қиймалар.  
 Кўзларига ҳозир кўримас эди,  
 Тожу тахт, Агранинг ҳусни — жамоли.  
 — Ҳумоюн Мирзони чорлангиз! — деди  
 Бетоб шоҳ Бобурнинг бордир саволи,  
 Балки гапи бордир, — тинглангиз болам,  
 Ўксиш нималигин дунёда ҳеч ким —  
 Мепчалик билганмас ва билмасин ҳам...  
 Бир пафасга Бобур тиниб қолди жим.  
 Сўнг майини овозда сўзлай кетди у,  
 Кўзда ёш ялтираб бўзлай кетди у:  
 — Ватан ишқини йироқда туйган Бобурман,  
 Андижон ҳажрида куйган Бобурман.  
 Мен қайда бўлмайин қалбим андадир,  
 Она юрт хаёлим доим сандадир.  
 «Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,  
 Кўнглимдан ўзга маҳрамин асрор топмадим!»  
 Гарчи шоҳ эдим мен, ҳасратим қат-қат,  
 Юракда нола-ю бошда тож фақат.  
 Не-не ўлкаларда кезмадим сарсон,  
 Филдан ҳам бардошли бўларкан инсон.  
 Мени шоҳ дейдилар, асли гадоман,  
 Она юрт васфида қулман, адоман.  
 Ой чиқса боқаман юртим сўроқлаб,  
 Юлдузлардан сени юрдим сўроқлаб.  
 Ёлларга оқшомлар бераман савол,  
 Савол бераману бўламан беҳол:  
 Ватаним омонми, улус омонми,  
 Ё мендек уларнинг ранги сомонми?  
 Болалигим қолган кўчалар қалай,  
 Юлдузларга тўла кечалар қалай?  
 Мени сўрамасми гулзорлар, боғлар,  
 Мени сўрамасми яқин-йироқлар?  
 Мени сўрамасми бузруквор замни,  
 Ҳар номоз сўнггида дегайман: омин —  
 Андижон ҳеч қачон кўрмагил гурбат,  
 Ёлборгим: елларжон, элтингиз салом,

---

1) Намна — Аградан ўтувчи дарё.



Еллар бунда соқов, ой, юлдузлар ҳам,  
 Диллимни ёритмас тонг, кундузлар ҳам.  
 Ёлборгим: елларжон элтигиз салом,  
 Бир умр сени деб ҳижронда тамом —  
 Адо бўлган Бобур куйиб-ёнар, денг,  
 Фаслларни санар, кунлар санар, денг  
 Афғонда чекканим етмасми, дардинг,  
 Мени телбалардек этмасми, дардинг.  
 Энг яхши тилаги доим сенда, денг,  
 У қайда юраги доим сенда, денг.  
 Қани энди еллар етказса буни,  
 Осмон бўлар эди бошим шул кунни.  
 «Ўз ерни ташлаб Ҳинд сори юзландим,  
 Ё раб нетайини, не юз қаролиғ бўлди».  
 Ҳа, юз қаролиғ бўлди, қай бирни айтай,  
 Ватангадо шоҳнинг қалб сирини айтай:  
 Агра кўчалари, Кашмир чамани,  
 Хуморим ёзолмас Бомбей ҳам мани.  
 Деҳли ва Удайнур, Жайпур<sup>1</sup> йўллари,  
 Сарсонлик даштига мени йўллади.  
 Гангининг ишвалари, Жамна жилваси,  
 Кўзимни тиндирди ҳамма-ҳаммаси.  
 «Шоҳ Бобурми, дерлар, шоир Бобурми,  
 Асли мусулмон-у гоҳо кофурми?!»  
 Бировлар у, деди ва бу, дедилар,  
 Бобурми, босқинчи ҳам шу, дедилар.  
 Асли кимлигимни билган кам бўлди,  
 Кўз ёшимдан тунлар болиш нам бўлди.  
 Шоҳ эдим, лек қалбда изтироб, ўкинч,  
 Хумоюн Мирзодан сўрайини ўтинч:  
 «Жисмида иситма кунда малҳам бўладир,  
 Кўздан ўчадир уйқу чу оқшом бўладир,  
 Ҳар иккиси ғамим бирла сабримдек,  
 Борган сари бу ортадир, у — кам бўладир!»  
 Кунлар ўтиб борар, бесамар кунлар,  
 Кунларнинг ортида йўқ эмас тунлар,  
 Уғлим, ҳар банданинг бошида бор иш  
 Баҳор, ёз кун ўтди, яқин қолди қиш.  
 Тангри иродаси агар кўз юмсам,  
 Ўзингиз йўқотиб қўймангиз ҳеч ҳам.

---

1) Ҳиндистон шаҳарларининг номлари.

Сиздан уч нарсани илтимос этгум,  
Бажо этолсангиз, мақсадга етгум:  
Бирин: «Бобурнома» етсун оёққа,  
Кўчириб йўллангиз Андижон ёққа.  
Иккинчиси: боғланг дўстлик занжирин,  
Умидим юртимдан яқин ўша кун.  
Мени ардоқлашур, эслашур албат,  
Юз йилдан кейинми, билмадим фақат.  
Учинчиси тингланг: сўнгги илтижо,  
Бандалик бурчимни гар этсам бажо —  
Жасадимни қўйинг жон Андижонга,  
Шунинг ўзи болам етадир манга.  
Оға-иниларга доим бош бўлинг,  
Нифоққа чек қўйинг, оғир тош бўлинг.  
Ёғийга бешафқат, дўстга садоқат,  
Шулардир тилагим, ўтинчим фақат.  
Улуснинг ғамидан ўзга ғам бўлмас,  
Улусни ўйлаган асло кам бўлмас.

## VI

Озон ноласидан уйғонар шаҳар,  
Ҳали тун шикобин йиғмаган тамом.  
Ҳали кўк юзида сочилгандай пар,  
Булуллар ўйини этарди давом.  
Қириб-чиқар эди ҳар хил одамлар,  
Ҳамманинг юзида мотам руҳи бор.  
Ҳатто эшитилмас эди қадамлар,  
Еллар ҳатто тутқун ва итоаткор.  
Бобур ажал билан олишар ҳозир,  
Атрофида эса қариндошлар жам.  
Масжид гумбазидан сирғанадир нур,  
Булбул ноласида аллақандай ғам.  
Бир куй элитадир, у келар қайдан,  
Жами нолаларнинг ноласими ё?  
Борлиқ сел бўладир дутор ва найдан,  
Наво ўз тилида қилур илтижо.  
У сочларин ёзиб қучар заминни,  
Жамна даҳшат солиб тошар қирғоқдан.  
Тарих унутмасин ана шу кунни,  
Қайғу овоз берар шу вақт ҳар ёқдан...  
Тўлиб-тошиб оқиб келар одамлар,  
Агра кўчалари қон қусади, қон,

Жуда оғирлашиб борар қадамлар,  
Қора чоппи киймиш бугун Ҳиндистон!..  
Қўнғироқли карвон қадим йўлларда,  
Хатарли йўлларда кетадир ҳамон.  
Қанча жалалару селлар, дўлларда,  
Қолмасин қоялар, қоя ҳар қачон.  
Ой қўнганда Тожмаҳалнинг оқ гумбазига,  
Миноралар юлдузларга кўмилар эди.  
Оро бериб хиёбонлар тунда ўзига,  
Борлиқ шунда мрамор нурга чўмилар эди.  
Мен ҳам гўё нур қўйнида қулоч отардим,  
Ўхшар эди шу лаҳзалар гўё бир тушга.  
Мен Бобурга авлодлигим билмасди ҳеч ким,  
Қўнғироқли карвон яна кетар ўтмишга. ,

1985—1989 йиллар.



Заҳириддин МУҲИТДИНОВ  
Маннон ҲАМИДОВ

«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР»

(V пардали драмадан парча)

I парда

II кўриниш

Тоғли Масчоҳ қишлоғи. Қамал азобларини оз бўлса-да унуттиш учун бу қишлоққа тўхтаган Бобур қамалдан осон қутулиш сабабини билгач, қаттиқ изтиробга тушди, ғазабланади. Бобур учун тикилган ўтов ёнида Қутлуғ Ингорхоним, Қосимбек Қовчин, Қамбар Али, Хожа Қалон ва бошқалар маънос туришибди.

БОБУР

Мен ахир сизларга ишонган эрдим!?  
Бирингиз улуғ зот, идрокли киши,  
Бирингиз сўз бериб ўшанда менни,  
Фармонни ёғийга элтаман, дея,  
Улимга тик боқиб, кетган фидоён!  
Бироқ қилмишингиз оқибатини,  
Тилим сўзлай олмас, қай тил-ла сўзлай?  
Наҳотки тилла-ю, жезу матоҳлар,  
Ёғийга раво, деб қолдирилмасдан,  
Қондош-жондошимни, гулдек опамни,  
Ёғийнинг илқига топшириб, энди,  
Беҳабар қоллибмиз, дея ушбу дам,  
Менга таскин бериб турибсизларми?!

— 52 —

## ҚАМБАР АЛИ

Бир қошиқ қонимдап кечинг, ҳазратим,  
Ўзимни оқлаш-чун сўз ҳам йўқ менда.  
Бироқ билсинг, мирзом, шароит изми,  
Ақлга сиғмаган чигалликларини,  
Шу қадар тезликда содир қилдик-ки,  
Ҳушимиз йнғолмай ганидик-қолдик,  
Оқибат, юз берди шул кўнгилисизлик.

## БОБУР

Оқибат юз берди шул кўнгилисизлик?!  
Бу қадар сўзингиз енгил бўлмаса?!  
Наҳот сезмасангиз содир бўлганин,  
Энг аччиқ, даҳшатли фожияни сиз?!

## ҚАМБАР АЛИ

Амирзодам ростн...

## БОБУР

Бўлди, бас қилинг!?  
Қилган қилмиш-чун сабаб излаган,  
Эс-ҳушли кимсани ёқтирмайман ҳеч.

## ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ

Ўғлим,  
Беҳуда куюманг, ўртанманг, болам,  
Ноўрин койиманг бекларингиз ҳам.  
Уларнинг барчаси фидойи бўлиб,  
Жон олиб, жон берди, бироқ тангримнинг,  
Хоҳиш инояти булар кучини,  
Сиз-у мен истаган орзу-умидни,  
Заррача назарга олмади, эссиз.  
Шул сабаб ўртанманг, чунки опангиз  
Қисмати тангримнинг буюрганидин.  
Шуниг-чун куйинманг, ҳеч фойдаси йўқ!

## БОБУР

Фойдаси йўқ денг?  
Гулдек оямизнинг шўр қисматига,  
Бефарқ қараб турсак бўлаверади?!  
Негаки тақдирнинг продаси шу!  
Бизлар итоатгўй, осий бадамиз —  
Қисматда не бўлса шунга кўнурмиз?  
Хатто оямизни, тақдир дея,  
Ёғийга қўш қўллаб бериб қўюрмиз!

### ҚУТЛУФ НИГОРХОНИМ

Ўғлим. Ўтишаман, мени қийнаманг,  
Шусиз ҳам бу бағрим эзилб битди.  
Хонзодабегимга сиз-ку оғасиз,  
Мен унга онамен, туққан онамен!  
Ушнинг ҳам, сизнинг ҳам онагизмен-ку!  
Бироқ, мен нетайки қисмат экан шум,  
Тақдир гирдобда чорасиз қолиб,  
Бир кўзим гавҳарин асрайин дебон,  
Иккинчи кўзимнинг гавҳарин ўзим,  
Мана шу нотавон қўлларим бирла,  
Ситиб ташлаб келдим ёғий илкига!

## БОБУР

Нима! Не дедингиз? Наҳотки шу рост?

### ҚУТЛУФ НИГОРХОНИМ

Ҳа, болам, шундай.  
Аслида билсангиз ҳақиқат ҳам шу.

Қутлуф Нигорхоним ўзини зўрға тутиб, ўтов томонга  
ўтиб кетади. Уртага чуқур жимлик чўқади.

## БОБУР

Демак, ўша кунги меннинг фармоним...

### ҚАМБАР АЛИ

Фармонни ўша кун Хонзодабегим  
Мендан олдилар-да, кейин бизларга...

## БОБУР

Бўлди, бас! Сўзламанг, ҳаммаси равшан.  
Эй, ситамкор замон, фэйзсиз даврон,  
Мен учун яна не маломатнинг бор?!  
«Бобур, нега бу даҳр сени зор айлар,  
Сабримши кам, ғамим кўп бисёр айлар,  
То даҳр дурур будур анинг расмиким,  
Айриб кишини азизидни хор айлар...»  
Хор айлар, хор... Асло, йўқ, асло!  
Ҳали белда камар, шамшир илқимда,  
Эй, менинг бекларим, довюракларим,  
Билурмен черигим ёғийднн оздур.  
Бироқ биласиз-ки, қондошларим бор.  
Шунинг-чун улар-ла тезда бирикиб,  
Бошимизга тушган бу маломатни,  
Ювмоқ учун бизни жанг-чопуқ чорлар!  
Шул сабаб, шул фурсат Тошкент кетамиз.  
Хон тоғам бизларга мадаккор бўлур!

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

(Босиқ)

Амрзодам, узр сўзлаш мен учун,  
Ҳозир жуда оғир, лекин на илож,  
Билурмен сиз ёшсиз, қонингиз қайшоқ,  
Бу каби тақдирнинг сизга отилғон,  
Тошига тош отмоқ пайтингиз ҳозир.  
Бироқ, бу оташлик бугун ё эрта,  
Сизни қутқаролмас бу маломатднн.  
Очиги, маломат дея ўйланган,  
Уша маломатнинг ўзи йўқ асли.

## БОБУР

Нималар деяпсиз, муҳтарам устоз?! .

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Ҳа, мирзом, шундай.  
Сиз рози бўлдингиз ёғий сулҳига,  
Шул сабаб соғ-омон қолди бошимиз.

## БОБУР

Бироқ сиз биласиз ёғийнинг ўша,  
Ул жирканч сулҳига кўнмаганимни.

### ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Тўғри.

Бироқ она бегим сўзлаганидек,  
Биз мажбур бўлгандик ҳамда онангиз  
Тушуниб барчамиз мушкул ҳолимиз,  
Ўзини фидойи этдилар, холос.

## БОБУР

Буни такрорлашдин яна не фойда?

### ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Такрорлаш неаганим эмасди асло,  
Бироқ тишглаб сизни ўтли сўзингиз,  
Гапирдим ва лекин мақсадим бошқа.  
Сиз ҳозир Тошкентга йўл олсангиз-у,  
Тоғангиз Маҳмудхон ила бирлашиб,  
Шайбоний устига черик тортсангиз!?  
Яна ютқазиншлик жуда ҳам аниқ.  
Негаки сиз ҳозир ҳаяжондасиз,  
Шайбоний хотиржам, шиятга етган.  
Буниси ҳам майли, лекин тоғангиз,  
Жанг учун ё тайёр, ё тайёр эмас.  
Балки у бу жангни хоҳламас,  
Агар хоҳлаганда сизни шунчалик,  
Мушкул ҳолингизни эшитган чоғда,  
Кўмакка келмоғи мумкин эди-ку!  
Шунинг-чун ҳориган содиқ беклару,  
Сипоҳлар бирла сиз нафасни ростлаб,  
Куч йиғиб элатдин, ундан сўнг майли,  
Жангу жадал дебон юрсангиз бўлур.

## БОБУР

Мен сизни танимай қолдим шул фурсат,  
Наҳотки бу сизсиз, муҳтарам устоз?!



## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Ҳа амрзодам,  
Бу — менман, сиз билган устози содиқ!  
Раҳматли Умаршайх даъвати билан,  
Гўдаклигингиздин беката бўлиб,  
Ҳар қачон сиз бирла ёнма-ён юрган,  
Ушал Қосимбекман, осий Қосимбек!?

БОБУР

Бўлмаса сўзлангиз ниятингизни.

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Ниятим, сиз ҳозир Тошкент демасдин,  
Нафасингиз ростлаб, куч йиғинг холос.

БОБУР

Йўқ! Асло! Мумкинмас, қайтмаймен аҳддин,  
Мен учун ушбу кун йўл битта холос  
У ҳам бўлса фақат Тошкент кўмагин,  
Сўнг ёғий устига черик тортмоқлик.

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Демак, мен билдим-ки, шу кундин бошлаб,  
Бекаталикдин ҳам қарибмен, афсус...

БОБУР

Тушунмадим, устоз, Не учун энди!?

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Демак, Тошкент сарни кетмоқлик аниқ?

БОБУР

Яна сўрамоқдин мақсад не эрур?!  
—57—

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Унда Мирзом мени афу эттигиз,  
Нечоглик мен учун қийин бўлса ҳам.  
Бу сафар сафардин, қоламен, билинг,  
Сабаби тўфонли юришдин чарчаб,  
Кўнглим истаётир осойишталик.  
Бу ерда бирон бир гина-қудурат,  
Ёхуд адоватнинг шарпаси ҳам йўқ.  
Қаерда бўлмайин, барибир сизни,  
Дуоин жонингиз тилаб оллоҳдин,  
Умримни қолганин бирон гўшада,  
Тоат-ибодат-ла ўтказмоқчимен.

### БОБУР

Мени ташлаб кетмоқ ниятидасиз?

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

На илож тақдирнинг буюргани шул,  
Сиз Тошкент кетсангиз, мен Ҳисор сарн,  
Бош олиб кетсаму қолган умримни,  
Ўшал томонларда ҳоли ўтказсам.

### БОБУР

Шундай денг? Бу қарор қатъийми жуда?

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Сиз-ла биз ҳар қачон битта сўзлаймиз.

### БОБУР

Демак, кўнглингизни хоҳини шулдир?  
«Кўнгли тилаган муродига етса киши,  
Ё барча муродларин тарк этса киши,  
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,  
Бошин олиб ҳар сориға кетса киши».  
Сиздин ажралмоқлик қанчалар оғир,  
Лекин на иложки, бу кун иккимиз,  
Фикримиз икки хил, мақсадимиз ҳам.

## ҚАМБАР АЛИ

Мирзом...

Мен-ку истамаймен сафдин кетмоқни,  
Бироқ онам қолган Андижонимда,  
Ижозат берсангиз сиз Тошкент сарн,  
Етиб боргунча мен бир илож топиб,  
Андижонга шихон борайини девдим.  
Негаки, волидам ҳолидин бир бор,  
Хабар олиб қайтсам, кўнглим тинчшдур.

## БОБУР

Яна ким хоҳишини сўзлайди, айтнинг?  
(Синоҳлар орасидан Хожа Калон чиқади)

## ХОЖА КАЛОН

Амирзодам, узр, сўзларим кескин,  
Биз сиз-ла тагришини инояти-ла,  
Раҳматли отангиз шунқор бўлган чоғ,  
Бир умр бирликда бўлурмиз, дея,  
Қаттиқ аҳд қилгандик, ўшал аҳдимиз,  
Тандаги қон бирла йўғрилган беҳад.  
Шул сабаб кимсадин хоҳиш сўрамай,  
Сиз чорланг бизларини ё йўл, ё жанга!  
Тўғри, балки бордир баъзи кимсалар,  
Сиз билан бўлмоқни балки истамас,  
Бу каби одамлар бир куни Мирзом,  
Бари бир йўл топиб қочиши аниқ.  
Ахир, айтганлар-ку машошлар ҳам.  
Бўйиндин боғланган овга ярамас.

## ҚОСИМБЕК ҚОВЧИН

Сиз ҳали ёшсиз Хожа Калонбек,  
Шу қайноқ ёшингиз сизга билдирмас,  
Боғланган нима-ю, боғланмаган не?!

## ХОЖА КАЛОН

Муҳтарам бек, бизни маъзур тутингиз,  
Сизни кўзлаб асли сўзлаганим йўқ,

Лекин Мирзомдаги аламли ёниш,  
Бизларга таъсирин кўрсатмайди-му?  
Ёғиёдин бир тутқун эвази учун,  
Омон қолганимиз бизга ҳам уят!

## БОБУР

Бўлди, бас!  
Гап тамом. Мен учун йўл фақат битта.  
Бу йўлдин қайтмоқлик ўзи гумроҳлик.

(Қосимбекка)

Лекин муҳтарам бек, барибир яна,  
Ўйлаб иш тутсангиз ёмон бўлмасди.

(Қосимбек жим)

Демак, мен билдимки, аҳлишиз қатъий,  
Майли, мен розимен, бироқ минг афсус,  
Сиз доим мен учун улуг йўлбошчи,  
Маслаҳатгўй, яқин кишим эдингиз,  
На илож мен сизни йўлдин қайтармам.  
Тағри паноҳида асрасин сизни.

Қосимбек билан хайрлашадилар. Қосимбек бир-икки ки-  
шиси билан чиқиб кетади. Бобур унинг ортидан ўйчан қараб  
қолади. Сўнг Қамбар Али томонга қарайди.

## БОБУР

Қамбар Али ним, Сиз Андижонга,  
Фақат бир мақсад-ла бормайсиз, билдинг.  
Биринчи мақсадни ўришлаб бўлагач,  
Иккинчи мақсадни биров сезмасдин,  
Бажариб Тошкентга тезда йўл олинг.  
Иккинчи мақсадим, Андижон ҳозир,  
Не тўфон ичида ўртанмоқдадир?!  
Шун биласиз-у, ортга қайтасиз,  
Мен сизни кутамен Тошкентда илҳақ.

## ҚАМБАР АЛИ

Бош устига, амрзодам,  
Олий фармонингиз бажаргум шаксиз. .

(чиқиб кетади)

### БОБУР

Муҳтарам Хожа Қалон бугундин бошлаб,  
Қўрчи боши этиб сизни сайладим.  
Муҳаммад Қўкалдош сизни бугундин,  
Ўзимнинг хос кишим дея билурмен.  
Қолганларин эса ўзимнинг асл,  
Явворларим! дея айтаман бугун.  
Энди таёёрлансин, сафарга барча,  
Тошкентга жўнаймиз ўтказмай фурсат.

(Шу пайт Қутлуғ Нигорхонимнинг хос канизаги Бекча  
ҳалфа чиқади).

### БЕКЧА ҲАЛФА

Мирзо Бобур ҳозир она бегимни,  
Тўсатдан аҳволи ёмон бўб қолди.  
Табиб! Табиб керак она бегимга!

### БОБУР

А? Ҳой, ким бор?!  
Табибни чорлангиз тезда ўтовга!

(Бобур шошиб онаси турган ўтовга кириб кетади. Ҳамма  
ўша томонга қараб қолади).

(Парда).

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Машариф Юсупов</b>	3
Буюк Бобурга эҳтиром	
<b>Тўлан Низом</b>	7
Бобур туғилган кун, Бобур ғазалига мухаммас	
Бобур таваллоси	
<b>Қамчибек Кенжа</b>	10
Бобур ҳақида уч шеър	
<b>Холдоржон Қуронбоев</b>	13
Бобур нидоси	
<b>Фозил Эмин</b>	15
Уйғондим. Юртим	
<b>Исмоил Тўлак</b>	18
Соғинч	
<b>Фарид Усмон</b>	23
Соғинч, Бобур ғазалларига мухаммаслар	
<b>Усмонжон Шукуров</b>	26
Ҳумоюн Мирзо, Она ва олмос ҳақида	
ривоят. Бобурнинг туғилган жойи. Бобур	
ғазалларига мухаммаслар	
<b>Одил Абдурахмон</b>	31
Бобур Мирзо, Руҳларимни қўзғаманг	
<b>Замира Рўзиева</b>	32
Бобурнинг Андижондан чиқиши	
<b>Қобил Мирзо</b>	33
«Топмадим» ғазалига мухаммас	
<b>Наргиза Алихонова</b>	34
Бобур нидоси	
<b>Олимжон Холдор</b>	35
Карвон қўнғироғи (Достон)	
<b>З. Муҳитдинов, М. Ҳамидов</b>	52
Заҳририддин Муҳаммад Бобур	

Теришга 1993 йил 19 майда берилди. 1993 йил 30 июлда босишга рухсат этилди. Ҳаҷми 84x108 1/32. Газета қоғозига «Литературная» гарнитурасидаги ҳарфларда юқори босма усулида 10000 нусхада чоп этилди. Ҳаҷми 4 шартли босма тобоқ. Буюртма № 1862. Келишилган нархда сотилди.

«Андижон» нашриёти босмахонаси, 710000. Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.